Юбилейга меҳнат совғала

ФИРМА ЮЛДУЗИ

— Энг илғор ишчиларингиздан бирортасини айтсангиз,—мурожаат қилдик цех бошлиғи М. Федосеевага. У ўйлаб ўтирмай Мунавварни кўрсатди.

Буғдойранг, чеҳрасидан нур ёғиб турган шаҳло кўз қизнинг тикув машинасини эпчиллик билан бошқаришига, қўл ҳаракатларининг чаққонлиғига беихтиёр тикилиб қоласиз. «Қизил тонг» фирмасининг ишчиси Мунаввар пальтоларга чўнтак тикяпти.

— Бу оловқалб қизимиз,—дейди Мария Григорьевна, кунлик нормасини доимо ортиғи билан бажаради. Мунаввар Тўлаганова шу кунларда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаш ниятида кунига пландаги 61 ўрнига 64—65 тадан пальтога чўнтак тикяпти.

БАҲО

Техника билим юртидан практикага келган Зуннунни цех бошлиғи кимга бириктиб қўйишни ўйлаб, уни цехда бошлаб юрибди. Зуннун эса «қандай устага тушарканман?» деб ўзича ўйлаб боряпти.

Ўрта бўйли, тўладан келган бир киши токарлик ҳамда фрезерлик дастгоҳларини бир ўзи бошқаряпти. Зуннун бир кўришдаёқ уни ёқтириб қолди:

— Мен шу киши билан ишлай қолай,— деди у цех бошлиғига. Бошлиқ дарров унга жавобан:

— Майли, айтганинг бўлсин. Бу киши нормасини пешингача бажариб қўядиган илғорлардан,— деди.

Бу, Наби Қаюмовга берилган катта баҳо эди.

Наби ака етти йилдан бери Ўзбекистон трактор-йиғув заводининг механика цехида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Бу цех заводда энг масъулиятли цех ҳисобланади. Шунга қарамай Наби ака бирон ой ҳам планни бажармасдан қолмайди.

Цех маҳсулот ишлаб чиқариш плани ой сайин ортиб боряпти. Жумладан, яқиндагина ҳар сменада 63 та гильза тайёрланган бўлса, ҳозир бу кўрсатгич 70 га етди.

Ўтган ойда завод коллективи пландаги 1725 ўрнига 1740 та трактор ишлаб чиқариб, улкан ғалабани қўлга киритди. Наби ака меҳнат қилаётган цех коллективи ҳам планни муддатидан анча илгари бажарди.

Шахсан Наби аканинг ўзи эса 20 кунда ойлик планини бажариб, 1700 та деталь тайёрлади. Ой охиригача эса пландан ташқари 500 та гильзага ишлов берди. Бу, меҳнатсевар токарнинг юбилейга шаҳсий меҳнат совғасидир.

МУҲАББАТНИН

Тошкент трикотаж фирмасида Муҳаб кин сиз фирма ишчиларидан Муҳаббат кўпчилиги дарров:

— Ўров цехидаги Муҳаббатми?—дейиш нати билан ҳаммага танилган.

Муҳаббат Юсуфхонова ўн йилдан бери ишлаб, коллектив ҳурматини қозонган аёл.

Ўров цехи фирманинг пешқадам цехлари, майда ғалтаклардаги иплар катта ғалтакка ўра нади.

План бўйича ҳар бир смена 9 ғалтакни ўрав эса улуғ йиқилобнинг ярим асрлик тўйига мунос тайёрлаш иштиёқида ҳар куни пландагидан 4— ўраяпти.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 2-йил чиқиши. ОКТЯБРЬ 1967 й. ЧОРШАНБА № 239 (394). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОКТЯБРНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМЛАРИ

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси

Бугун Улуғ Октябрь ва Кремль деган сўзлар айниқса жозибадор, бири-бири билан чамбарчас бўлиб эшитилмоқда. 10 октябрда — Ватанимиз шонли юбилейининг арафасида Кремлда еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди.

Сессия совет кишиларининг фаровонлиғини янада ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, зиёлилар вакилларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини жуда юксалтириб юборган шонли кунларда тўпланди. Бу қарорлар социалистик тузум эришган жуда катта муваффақиятлар, унинг куч-қудрати, улуғ Ленин васиятларига садоқатнинг яққол далили эканлигини ҳар бир совет киши яхши тушунади.

«Октябрь революциясининг 50 йиллиги юксак марраларидан туриб, партия, совет халқи янги-янги вазифаларни янада муваффақиятлироқ ҳал қилиш учун босиб ўтилган йўлни чуқур таҳлил этмоқда», — деб ёзилган КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига бағишланган тезисларида. Халқнинг сессияга йиғилган мухтор вакиллари Совет давлатининг одимларини Октябрга таққослаб, коммунизм сари Ленин йўлида янги зафарларга эришиш йўлларини белгилаб оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг 26 сентябрда бўлган пленуми СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани лойиҳасини, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планларини ва СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети лойиҳасини асосан маъқулловчи қарорлар қабул қилди.

Депутатлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг яқин уч йилги истиқболларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, уларни қонунлаштиришлари керак.

Эрталаб соат 10 да Кремль театрида Иттифоқ Советининг раиси И. В. Спиридонов раислигида Иттифоқ Советининг мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари СССР Олий Советининг иккинчи сессиясидан сўнг ўтган даврда вафот этган Иттифоқ Советининг депутатлари—В. И. Антонов, И. С. Беляев, Р. Я. Малиновский, П. С. Переверзев, Т. С. Пряхин, П. В. Ураевнинг хотирасини ўринларидан туриб эсладилар.

Катта Кремль саройида Миллатлар Советининг раиси Ю. И. Палецкис раислигида эрталаб соат 10 да Миллатлар Советининг мажлиси очилди. Мажлис қатнашчилари Миллатлар Советининг вафот этган депутатлари — Д. О. Ораев, С. Х. Ўринхўжаев, И. Г. Эренбург хотирасини ўринларидан туриб эсладилар.

Палаталарнинг алоҳида-алоҳида ўтказган мажлисида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети мандат комиссияларининг янги сайланган депутатлар ваколатларини текшириш тўғрисидаги докладлари тингланди. Сўнгра сессиянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари тўғрисида.

2. СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

3. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳақида.

4. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

5. СССР Олий Судини сайлаш тўғрисида.

6. СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети депутатлари палаталар доимий комиссияларининг составидаги айрим ўзгаришлар тўғрисида оқсоқоллар кенгашларининг таклифларини қабул қилдилар. Депутат С. Д. Хитров СССР Қишлоқ қурилиши министри қилиб тайинланиши муносабати билан у Иттифоқ Совети қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати комиссиясининг раиси вазифасидан озод қилинди. КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари депутат К. Ф. Катушев шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Иттифоқ Совети доимий комиссияларининг аъзолари —депутатлар Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, А. М. Токарев СССР ҳукумати составига кирганликларини назарда тутиб, депутатлар уларни доимий комиссияларнинг аъзолари вазифаларидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Депутат И. А. Манюшис Литва ССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинланганлиги муносабати билан Миллатлар Советининг депутатлари уни Миллатлар Советининг қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати комиссияси раиси вазифасидан озод қилдилар. Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат Г. А. Арзуманян шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Кундузи соат 11 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бошланди.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Г. И. ВОРОНОВ, А. Н. КОСИГИН, А. Я. ПЕЛЬШЕ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, Д. С. ПОЛЯНСКИЙ, М. А. СУСЛОВ, А. Н. ШЕЛЕПИН, П. Е. ШЕЛЕСТ, Ю. В. АНДРОПОВ, В. В. ГРИШИН, П. Н. ДЕМИЧЕВ, Д. А. КУНАЕВ, П. М. МАШЕРОВ, В. П. МЖАВАНАДЗЕ, Ш. Р. РАШИДОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, И. В. КАПИТОНОВ, Ф. Д. КУЛАКОВ, В. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ ўртоқларини залда ҳозир бўлганлар қизғин кутиб олдилар.

СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари ложаларда ўтиришибди. Балконда—кўпдан-кўп меҳмонлар бор.

Раислик қилувчи—СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси И. В. СПИРИДОНОВ «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари тўғрисида» доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВГА сўз берди.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат Н. К. Байбаков докладидан сўнг СССР Молия министри депутат В. Ф. ГАРБУЗОВГА сўз берилди. У «СССРнинг 1968 йилги давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» доклад қилди.

Шу билан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси тамом бўлди.

(ТАСС).



КЛАЙПЕДАДАГИ «БАЛТИЯ» КЕМА ЗАВОДИДА «ПЕТР СТУЧКА» ТРАУЛЕРИ СУВГА ТУШИРИЛДИ. БУ КЕМА БАЛИҚ ОВЛАШ УЧУН ДЕНГИЗЛАРГА ЧИҚАДИ.

Б. Алекнавичюс фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги

БУГУНГИ ЛИТ



А. ПЕТРАУСКАС НОМЛИ КАУНАС ПАХТА ИГИРУВ ФАБРИКАСИДАГИ ЦЕХДА.

М. Огай фотоси.

ПАНЕВЕЖСКИЙ ПОЛИТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ ЛИТВА МИЛЛИЙ РАҚСИНИ ИЖРО ЭТМОҚДАЛАР.

А. Дилис фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ШАҲАР ОЗОДА, ҚЎРКАМ БЎЛСИН!

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитетида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ободонлаштириш бўйича катта ишлар комплексининг амалга оширилганлиги, канализация ва водопровод тармоқларининг кенгайтириб борилиши ва бошқа тадбирлар туфайли шаҳарнинг қиёфаси ва санитария аҳволи бирмунча яхшиланди.

Саноат корхоналари, қурилишлар, илмий текшириш ташкилотлари, ўқув юртлари, транспорт ва алоқа корхоналарининг кўплаб коллективлари Октябрь революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, катта ютуқларга эришмоқдалар. Шу билан бирга улар яхши ташаббус бошлаб бердилар: ўз территориялари ва унинг атрофидаги майдонларни, кўчаларни ўз кучлари билан қўркам қилмоқдалар.

Қарорда ободонлаштириш, кўкаламзорлаш ва шаҳарнинг санитария аҳволи масалаларида жиддий камчиликлар мавжудлиги қайд қилиб ўтилади

Айрим корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда белгиланган тартибга риоя қилмаётирлар, тозаликни сақлаш, чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш учун етарли кураш олиб бормаётирлар. Бунинг устига шаҳарнинг марказий қисмида йўлкаларнинг, катта йўлларнинг ифлосланишига йўл қўймоқдалар, ирригация тармоқларини ишдан чиқармоқдалар, дарахтларни синдирмоқдалар, кўчаларга чиқиндиларни тўплаб қўймоқдалар.

Қарорда таъкидланишича, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари санитария тартиби ўрнатиш, тозалаш ва аҳлатни чиқариб ташлаш, ариқларни тозалаш, биноларни ремонт қилиш ва оқлаш ишларига корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва гражданларни етарли жалб қилмаётирлар.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик муносабати билан шаҳарнинг санитария аҳволини ва ободлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **шу йил 6 октябрдан 6 ноябргача Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаш ва обод қилиш ойлиги** ўтказишга қарор қилдилар.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бўлимлари, бошқармалари ва трестлари, министрликлар ва идоралар, саноат ва коммунал хўжалик корхоналари, қурилиш-монтаж ташкилотлари, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари, автохўжаликлар, ўқув ва даволаш муассасалари, уй бошқармалари ҳамда маҳалла комитетлари раҳбарлари зиммасига бинолар ва деворларнинг кўча томонларини бўяш ва оқлаш, ҳовлиларни ва атрофни тозалаш вазифасини юклади.

Ободончилик ишларини ўтказишда, кўчаларда, ҳовлиларда, жамоат жойларида, шахсий уйларда тозалаш ишларини ўтказиш ҳамда биноларнинг ташқи кўринишини тартибга келтиришда, ирригация тармоқларини тозалаш ҳамда қурилиш чиқиндиларини ташишда барча меҳнаткашлар, студентлар; ўқувчилар, маҳалла комитетлари, Тошкентнинг бутун аҳолиси иштирок этиши керак.

Обод қилиш, санитария тартибини ўрнатиш учун кўчалар, майдонлар ва хиёбонларни ташкилотлар ва корхоналарга, министрликлар ва идораларга, фабрика ва заводларга, уй бошқармалари ва маҳалла комитетларига бириктириб қўйиш топширилди.

Маҳаллий Советларнинг уй-жойлардан фойдаланиш ва капитал ремонт қилиш бошқармалари, савдо, умумий овқатланиш, коммунал муассасалари, маиший хизмат бошқармалари, «Гордорремстройтрест», трамвай-троллейбус бошқармаси, пассажирлар ташиш автотрести зиммасига ҳовлиларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, уларнинг атрофини обод қилиш ва тозалашни таъминлаш топширилди.

Ойлик давомида ирригация ва гидротехника бошқармаси министрликлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар ва шаҳар аҳолиси иштирокида кўчалар ва ҳовлилардаги ирригация тармоқларини, канолларни тозалаши, ахлатларни чиқариб ташлаши ва ариқлардан сув доимий оқиб туришини таъминлаши керак

Ободонлаштириш ойлиги давомида «Гордорремстрой», ободонлаштириш бош бошқармаси, йўл эксплуатация трести, «Автодормехбаза» трестига йўлларни, кўприкларни ва бошқа объектларни куриш ва ремонт қилишда, шаҳар территориясини тозалаш ва сув сепишда ишнинг бир ярим сменада ташкил қилинишини таъминлаш топширилди.

Министрликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг қурилиш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб ташлашлари учун шаҳар автомобиль трести ва «Главташкентстрой»нинг автотрести етарли миқдорда автомашиналар ажратишлари керак.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, шаҳар ва район комсомол комитетлари, шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бош бошқармаси зиммасига барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари, мактаблар, уй-жойлардан фойдаланиш конторалари уй бошқармалари ва маҳалла комитетларининг кузда қайси муддат ичида қанчадан кўчат ўтказишлари зарурлиғини белгилаб бериш вазифаси юклатилди. Ойлик давомида кўчат танлашда уларга амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

ҲАМКОРЛИК

сўзини «Ўзбексельмаш» заводининг 5-цехида тез-тез эшитиш мумкин. Цех ишчилари пахта далаларининг миришкорлари билан бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилишади. Натижада ғўза чувийдиган машиналарнинг қисмини такомиллаштириш уларнинг маслаҳатлари билан амалга оширилади.

Ҳозир ғўза чувиш машинасини йиғиш ишлари тезлашмоқда. Чунки бундай машиналарни тайёрлаш йилдан йилга кўпаймоқда. Машинасозлар маҳсулоти қардош республикалардан ташқари хорижий мамлакатларга жўнатилаётир.

Цех коллективи мураккаб механикани ўзлаштириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш, автомат агрегатли станокларни такомиллаштириш борасида ҳам самарали ишлаётир. Бу рационализаторлик ишлари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Яқинда ғўза чувиш машинасига ажойиб янгилик киритилди. У чўткани капрондан тайёрлаш усулидир. Янгилик корхонага йилига 340 минг сўм фойда келтиради.

Бундан ташқари бир йўла 8 тагача резба учун тешик очадиган агрегатли станок яратилди.

Шу кунларда маҳсулот жўнатиладиган майдонда иш қизғин, машинасозларнинг қўли-қўлига тегмайди. Куни-кеча 100 дан ортиқ чувиш ва подборщик машиналари пахтакор хўжаликларга юборилди.

ЧЕТ ЭЛЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Республика бўйлаб саёҳатга жўнаган чет эл журналистларини Ўзбекистоннинг ҳозирги аҳволи ва у Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини қандай кутиб олаётганлиги қизиқтирмоқда. Бу саёҳатни Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет мамлакатлар билан маданий алоқа комитети уюштирган.

Сафарда Германия Демократик Республикаси, Кипр, АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Чехословакия, Швейцария, Югославия газеталари ва телеграф агентликларининг Москвадаги вакиллари қатнашмоқда.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг раиси З. Есенбоев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қориев, Ўзбекистон телеграф агентлигининг директори Ғ. Нажимов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. Исмоилов, «Тошкент оқшоми» газетасининг редактори С. Кароматов ва бошқалар кутиб олдилар.

Меҳмонларни 10 октябрда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов қабул қилди.

Меҳмонлар Тошкентдан ташқари Самарқанд ва Олмаликда бўладилар. Чет эллик журналистлар республиканинг давлат ва жамоат арбоблари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон партия маорифи системасида машғулотлар бошланишига бир ойдан сал кўпроқ вақт қолди. Ўқув йили арафасида Тошкентга республиканинг ҳамма областларидан пропагандистларнинг доимий ишловчи семинар раҳбарлари келишди. Бу ерда улар учун 10 октябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 10 кунлик курс очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. М. Раҳмонқулов курсни кириш нутқи сўзлаб очди.

* * *

Шу куни район ва шаҳар партия комитетларининг сиёсий маориф кабинетлари мудирлари ҳамда район методик кенгашлари раисларининг республика семинари ҳам бошланди. Семинар беш кун давом этади.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг сессияси

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1969 ВА 1970 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПЛАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. БАЙБАКОВ доклади

СССР Министрлар Совети, деди Н. К. Байбаков, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари лойиҳаларини СССР Олий Совети муҳокамасига ҳавола этмоқда. Бу планлар КПСС XXIII съезди Директиваларига мувофиқ ва мамлакат халқ хўжалигини беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида мобайнида ривожлантириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Бу планлар тасдиқлангач, саккизинчи беш йиллик планни ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилади.

Сессиянинг иши мамлакатимиз меҳнаткашлари, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун илғор инсоният тарихий сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик кўраётган унутилмас кунларда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида таъкидлаб ўтилганидек, ўтган ўнлаб йиллар мобайнида Октябрь революциясининг иши ҳар томонлама тарихий синовдан ўтди. Ўзининг забардаст кучини ҳамда мамлакатимиз учун ҳам, бутун ер юзидаги халқлар учун ҳам марксизм-ленинизм ғояларининг улуғвор аҳамиятини кўрсатди. Улуғ Октябрнинг иши социализм ғалабаларида ҳамда СССРдаги коммунистик қурилиш муваффақиятларида, жаҳон социализм системасининг ривожланишида, ишчилар ҳаракатининг қудратли кўламида, миллий озодлик курашининг ютуқларида яшамоқда ва тантана қилмоқда.

Ҳозир Ватанимиз меҳнаткашлари унутилмас даврда яшамоқдалар. Улар байрамни ижодий ташаббускорликни кенг қулоч ёздириб, меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни янада юксалтириб, шу тариқа Коммунистик партия ишига чексиз содиқ эканликларини, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришга қатъий аҳд қилганликларини ифодалаб кутиб олмоқдалар.

1967 йил Совет давлати тарихига халқимизнинг коммунизм тантанаси учун курашдаги шонли зафарлари йили бўлиб киради.

Докладчи СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллигининг дастлабки икки йили ичидаги якунларини батафсил гапириб берди.

Энг асосий якун шундан иборатки, деди у, КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил Октябрь Пленумидан кейин Коммунистик партия ишлаб чиққан иқтисодий сиёсат изчиллик билан амалга ошириб борилганлиги туфайли, социалистик қурилишда хўжалик раҳбарлиги савияси эшириллганлиги негизида халқ хўжалиги шу йиллар ичида янада барқ уриб ривожланди. Совет давлатининг халқаро позициялари ва обрў-эътибори тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

СССР Министрлар Совети беш йилликнинг биринчи йили — 1966 йил плани ошириб бажарилганлигини СССР Олий Советининг бундан аввалги сессиясида маълум қилган эди. Юбилей йили бўлган бу йилнинг халқ хўжалик плани ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Саноат маҳсулоти энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш, юк обороти, қишлоқ хўжалик маҳсулотичиг асосий турларини харид қилиш, чакана товар оборoти юзасидан белгиланган йиллик топшириқлар ошириб бажарилди деб умид қилиш учун ҳамма асослар бор.

Шуларнинг ҳаммаси беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида мамлакат экономикаси КПСС XXIII съездининг 1966—1970 йилларга мўлжалланган директиваларида белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда ривожланиб бораётир, деб СССР Олий Советига маълум қилиш имконини берди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ва шундан аввалги беш йилликдагига нисбатан совет кишилари фаровонлигини 1966—1967 йилларда ўстиришнинг асосий кўрсаткичларини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин:

Ўсишнинг ўртача йиллик суръатлари процент ҳисобида

	1961—1965 йиллар	1966—1967 йиллар
Миллий даромад	5,7	7,2
Саноат маҳсулоти	8,6	9,4
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	2,4	4,2
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар	3,6	5,9
Чакана товар обороти	6,0	8,7

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз халқ хўжалиги ҳозирги беш йиллигининг икки йили мобайнида барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича бундан аввалги беш йилдагига қараганда анча тез ривожланиб борди.

Миллий даромаднинг ўртача йиллик абсолют ўсиши 1961—1965 йиллар мобайнидаги ўртача 9 миллиард сўм ўрнига 1966 — 1967 йилларда йилига 14 миллиард сўм бўлди. Ана шу икки йил ичида катта ҳажмдаги капитал қурилиш бажарилди. Мамлакатнинг асосий фондлари 80 миллиард сўмликдан зиёд ортди, янги йирик заводлар, фабрикалар, электр станциялар ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш анча жадал бораётганлиги беш йиллик дастлабки икки йилининг энг муҳим натижаларидан бири бўлиб, бу нарса мамлакатнинг бутун экономикасига баракали таъсир ўтказди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўпайтиришнинг ўртача йиллик суръатлари аввалги беш йилликдагига нисбатан қарийб 1,8 баравар ортди. 1967 йилда мамлакатнинг бир қанча районларида об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг умумий ҳажми тахминан 1966 йил даражасида бўлиши кутилмоқда. Ўтган йил эса, энг серҳосил йил бўлганлиги маълум. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш бу йил ўтган йилгидан анча ортиқ бўлади. Дон харид қилиш план доирасида бўлади, деб кутилмоқда.

Саноат муваффақиятли ривожланмоқда. Ушбу юбилей йилида айниқса юксак кўрсаткичларга эришилди. Саноат маҳсулотининг ўсиши дастлабки мўлжалларга кўра, пландаги 7,3 процент ўрнига камида 10 процент бўлади. Мамлакат бу йил белгиланган пландан ташқари 6 миллиард сўмликдан ортиқ, икки йил ичида эса, 11 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти олади.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида истеъмол буюмлари («Б» группа саноат маҳсулоти) ишлаб чиқариш суръатлари аввалги ортганлиги экономиканинг шу йиллардаги тараққиёти учун характерлидир. Шу туфайли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ўртача йиллик суръатларининг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларидан ортиқлиги бир мунча камаяди ва ўтган беш йилдаги 54 процент ўрнига 1966—1967 йилларда 17 процентни ташкил этади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланди. Корхоналар ишининг рентабеллиги ошди. Саноатда белгиланган пландан ташқари 1967 йилда салкам 800 миллион сўм фойда олинади. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари жаддаллашди. Бу йил саноатда 1966 йилги 5 процент ўрнига меҳнат унумдорлиги 7 процент кўпаяди. Фан ва техникадаги тараққиёт бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Шу даврнинг ичида энергетика, химия, металлургия, электротехника, машинасозликда ва бошқа тармоқларда бир қанча илмий-техникавий вазифалар муваффақиятли ҳал этилди, 150 тага яқин янги технология процесслари жорий этилади, 60 та автоматлаштирилган бошқарув системаси, илмий, инженерлик ва планиқтисодий ҳисоб-китобларини бажариш учун 75 та ҳисоблаш маркази ишга туширилади.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий этилганлиги беш йилликнинг дастлабки икки йилида саноатнинг муваффақиятли ишлашига ёрдам берди. Ҳозирги вақтда бутун саноат маҳсулотининг учдан бир қисмини ишлаб чиқараётган ва саноатдаги фойданинг 45 процентидан кўпроғини бераётган 5,5 мингдан ортиқ корхона янги системага мувофиқ ишлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленуми қарорига биноан саноатни бошқариш тармоқ принципига кўчирилганлиги ва халқ хўжалигининг моддий техника таъминоти ташкил этилганлиги экономикани ривожлантиришга ва мавжуд резервларни тағин ҳам тўлиқ сафарбар қилишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тез ўсганлиги меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада ошириш учун яхши негиз бўлди. Халқнинг турмуш даражаси КПСС XXIII съезди қарорларида кўзда тутилганига қараганда тезроқ ошиб бормоқда. 1966—1967 йилларда аҳолининг реал даромадлари йилига ўрта ҳисоба мўлжалдаги 5,3 процент эмас, балки, 5,9 процент ўсади. Аҳолининг пул даромадлари Директиваларга доир ҳисоб-китобларга қараганда 1966 йилда 5 миллиард сўм ортиқ бўлди, 1967 йилда эса, бу даромадлар 6,5 миллиард сўм чамаси кўп бўлади.

Ана шу икки йил мобайнида бир қанча муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Ўрмон, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ходимларидан ва совхозларнинг механизаторларидан 4,5 миллион кишининг маоши оширилди. Шу мақсад учун йилига 700 миллион сўмга яқин ҳаражат қилинди. Колхозчилар меҳнатига қатъий ҳақ тўлаш жорий қилинди. Ишчилар билан хизматчиларнинг иш ҳақи икки йил ичида умуман ўрта ҳисобда 7 процентдан зиёдроқ, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган пул ва натура даромадлари тахминан 20 процент ортди. Икки кун дам олиладиган беш кунлик иш ҳафтаси белгиланди.

Беш йилликнинг икки йили ичида давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти директиваларга доир ҳисоб-китобларда белгиланган 15,7 процент ўрнига тахминан 18 процент кўпаяди. Гўшт ва сут маҳсулотлари, трикотаж буюмлар, кийим-кечак ва пойафзал, электр товарлари сотиш айниқса кўпаяди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Икки йил ичида маиший хизмат кўрсатиш ҳажми қарийб 40 процент кўпаяди.

Икки йил мобайнида ижтимоий истеъмол фондлари 7 миллиард сўм миқдорида кўпайди. 1967 йилда 4 кишилик ҳар бир оилага ижтимоий фондлардан ўрта ҳисобда ойига чамаси 70 сўм тўғри келади. Совет халқининг умумий билим ва маданий савияси тўхтовсиз ошмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, касалхоналар ва бошқа социал маданий муассасалар тармоғи кенгайтирилмоқда ва кўпайтирилмоқда.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. 1967 йилда умумий саҳни тахминан 84 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари ишга туширилди, беш йилликнинг икки йили ичида эса, 165 миллион квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қурилади. Шу йиллар мобайнида 20 миллиондан ортиқ киши уй-жой шароитларини яхшилаб олади.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг фаровонлигини ўстириш тўғрисида Коммунистик партия билан Совет ҳукумати доимо ғамхўрлик қилиб келаётганликларидан далолат беради.

Беш йиллик икки йилининг ижобий якунлари мамлакатимизда партия XXIII съезди ва СССР экономикасини ривожлантиришга доир қарорларини муваффақиятли бажармоқ учун ҳамма имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Бироқ, халқ хўжалигимизнинг муваффақиятли ривожланишига ҳалақит берувчи баъзи бир нуқсонлар бартараф этилганида эди, бундан ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришган бўлур эдик, деб таъкидлади Н. К. Байбаков. Капитал қурилиш ва янги қувватларни ишга солиш орқада қолаётганлиги ана шу нуқсонларнинг энг каттасидир. Ушбу сессия муҳокамасига тақдим этилган планларнинг лойиҳалари, хўжалик органларининг, эътиборини мавжуд нуқсонларни тугатишга, ишлаб чиқаришдаги ҳамма резервлардан яхшироқ фойдаланишга қаратади.

Докладчи 1968 йил плани ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари лойиҳаларини тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлади. Беш йиллик дастлабки икки йилининг ижобий якунлари партия олиб борган зўр сиёсий ва ташкилотчилик ишининг, халқнинг меҳнатдаги ғайрат шижоатининг натижаси бўлиб, бу якунлар 1968—1970 йилларга мўлжалланган планларда экономикани ва халқнинг турмуш даражасини юксак суръатлар билан ривожлантириши кўзда тутиш имконини берди.

Партия XXIII съезди Директиваларига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан бир қанча янги йирик тадбирларни амалга оширишга қарор қилдилар. Бу тадбирларни КПСС Марказий Комитетининг 1967 йилги сентябрь Пленуми маъқуллади.

Тақдим этилган планларда ана шу муҳим қарорларни тўла рўёбга чиқариш кўзда тутилади. 1968 йил январидан бошлаб иш ҳақининг энг оз миқдорлари, шунингдек ходимларнинг айрим категориялари ва жумладан станокчи ишчиларнинг ставкалари ва окладлари анча оширилади. Узоқ Шимол районларидаги ва шу районларга тенглаштирилган районлардаги меҳнаткашларга бериладиган имтиёзлар кенгайтирилади Узоқ Шарқ ва Европанинг шимолидаги районлар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар қўшиб бериш жорий этилади, вақтинча меҳнат қобилиятидан маҳрум бўлган ишчи ва хизматчиларга бериладиган нафақа миқдори кўпайтирилади, отпускалар муддати узайтирилади, колхозчиларни, ҳарбий хизматчилардан бўлган инвалидлар ва болаликдан инвалидларни, шунингдек меҳнат интенсивлиги юқори бўлган ишларда ишловчи тўқимачилик саноатининг аёл ишчиларини пенсия билан таъминлаш яхшиланади, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқ ставкалари камайтирилади.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун планга мувофиқ 1968 йилнинг ўзида 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш мўлжаллаб қўйилди. Бу — жуда катта маблағ бўлиб, ўтган беш йил мобайнида шу мақсадлар учун қилинган ҳамма харажатларга қарийб тенг келади. Бу — партиямизнинг, совет халқининг катта ғалабасидир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу ғалабани баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу нарса оммани меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини тағин ҳам юксалтириб юборди.

1968 йилги халқ хўжалик планининг ва 1969—1970 йилларга мўлжалланган планларнинг ўзига хос энг асосий хусусияти шуки, уларда халқнинг турмуш даражасини ўстиришни анча жадаллаштириш кўзда тутилган. Шу йиллар га мўлжалланган планларнинг структураси ва асосий топшириқлари шунга қараб белгиланган.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи бўлган миллий даромад 1968 йилда 6,8 процент ортади, умуман беш йилликда эса, 39 процент кўпаяди, бу эса, КПСС XXIII съезди Директиваларида белгиланган топшириқларга батамом мувофиқ келади.

1968 йилги, шунингдек 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган план топшириқлари техникани тараққий эттириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш фондларидан ва капитал маблағлардан яхшироқ фойдаланиш маҳсулот сифатини яхшилаш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Планларда табиий ресурслардан ва фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг прогрессив усулларидан тағин ҳам самарали фойдаланиш, янги материаллар ва технология процесслари яратиш, машиналар, ускуналар, аппаратлар ва приборларнинг конструкцияларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг техникавий, иқтисодий ва эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш юзасидан илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларининг кенг комплекси кўзда тутилган.

Н. К. Байбаков ўз докладининг каттагина қисмини саноатни ривожлантиришга бағишлади.

1968 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 8,1 процент ҳажмида кўпайтириш мўлжалланмоқда, деди у. Умуман беш йиллик мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Директиваларда кўрсатилган 47—50 процент ўрнига 53 процент ортади. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группа) Директиваларда кўзда тутилган 49—52 процент ўрнига 55 процент ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группа) 43—46 процент ўрнига 49 процент кўпаяди.

Халқнинг турмуш даражасини оширишга доир қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан (бунинг натижасида аҳолининг харид қуввати анча кўпаяди) 1968 йил планида истеъмол буюмларни ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини янада жаддаллаштириб, бу суръатларни ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларидан ошириш кўзда тутилган: «Б» группани ўстириш суръатлари 8,6 процент, «А» группани ўстириш суръатлари эса 7,9 процент бўлади. Тўпланган ишлаб чиқариш потенциалидан тағин ҳам интенсив фойдаланиш туфайли, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни енгил саноат билан озиқ-овқат саноатининг ўзидагина эмас, шу билан бирга оғир индустрия тармоқларида ҳам ишлаб чиқаришни кўпайтириш туфайли бу вазифани бажариш мумкин бўлади.

Техника тараққиётини таъминлаб берувчи ва ишлаб чиқариш структурасини яхшиловчи тармоқларни энг юксак суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

1968 йилда 650 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. 309 миллион тонна нефть ва 173 миллиард кубометр газ қазиб олинади, 107 миллион тоннадан зиёд пўлат, 85 миллион тоннадан кўпроқ прокат, 42 миллион тоннадан ортиқ минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Алюминий ишлаб чиқариш 1967 йилдагига нисбатан 10,5 процент, мис ишлаб чиқариш 8,2 процент кўпаяди. Саноат салкам 805 мингта автомобиль, 444 мингта трактор, 4,7 миллион тоннадан ортиқ целлюлоза ва 4,0 миллион тонна қоғоз ишлаб чиқаради.

Оғир саноат тармоқларининг кўпчилиг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш (нефть, қора металлар ва рангли металларнинг кўпчилиги, минерал ўғитлар, автомашиналар ва шу синфари бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юзасидан 1970 йилга белгиланган топшириқлар директивалар даражасида кўзда тутилади. Электр энергияси, кўмир, трактор, целлюлоза ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш бир мунча камроқ миқдорда кўзда тутилди.

1968 йилда, деди сўнгра докладчи, бу йил ҳосил қилинадиган электр энергиясидан 52 миллиард киловатт-соат кўп электр энергияси ишлаб чиқарилади, 1970 йилда эса қарийб 300 миллиард киловатт-соат ёки 1965 йилдагидан 58 процент кўп электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу беш йиллида энергетика қувватларини ўстириш. Директиваларда кўзда тутилганидек, асосан ёқилғи билан ишлайдиган йирик иссиқлик электр станциялар қуриш ва уларга қудратли энергетика блоклари ўрнатиш йўли билан амалга оширилади.

1968—1970 йилларга мўлжалланган план лойиҳасида нефть ва айниқса газ саноатини юксак суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган, бу эса мамлакат ёқилғи баланси структурасини тағин ҳам яхшилашни таъминлайди. 1970 йилда 1965 йилдагига қараганда 107 миллион тонна ёки 44 процент кўп нефть, 86 миллиард кубометр ёки 66 процент кўп газ қазиб олинади. Ёқилғи балансидаги нефть билан газнинг салмоғи 1970 йилга борганда 1965 йилги 51 процент ўрнига салкам 60 процентга етади.

Кейинги йилларда саноат ва капитал қурилишда тақчил бўлиб қолган қора металлургияни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети шу йил ана шу тармоқни ривожлантириш юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилишди. Ана шу қарорларга мувофиқ, қора металлургияни жадал ривожлантириш учун 1968 йилда давлат капитал маблағлари ҳажмини деярли 23 процент, беш йиллик мобайнида эса 54 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу тадбир зарур қувватларни барпо этиш ва беш йиллик мобайнида пўлат эритишни 33 миллион тонна ёки 36 процент ва прокат ишлаб чиқаришни 25 миллион тонна ёки 35 процент кўпайтириш имконини беради.

Рангли металлургияда рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш билан бир қаторда рангли металлургия кон саралаш корхоналарининг руда базасини жадал ривожлантириши ва бу корхоналарни техника билан қайта қуроллантириши таъминлаш, шунингдек алюминий саноати хом ашёси-глинозем ишлаб чиқарувчи қувватларни жадал ўстириш керак.

Саноатнинг кончилик тармоқларини жадал ривожлантирмоқ учун нефть ва газ, энергетика кўмири ва коксланувчи кўмир, бой темир рудалар, бокситлар, минерал ўғитлар ва бинокорлик материаллари қидириб топиш учун геология-разведка ишларини кучайтириш зарур.

Химия саноатида ва аввало, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида янги қувватларни барпо этиш ишларини анча кучайтириш кўзда тутилмоқда. Беш йиллик мобайнида химия саноатига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 72 процент ортади.

Маълумки, деди сўзини давом эттириб докладчи, машинасозлик халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника даражасини оширишда етакчи роль ўйнайди. Умуман, беш йиллик мобайнида машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,7 баравардан зиёд кўпайтирилади, бу эса КПСС XXIII съезди Директиваларида белгиланган топшириқларга мос бўлиб тушади. Шу билан бирга, умуман машинасозликка қараганда электрон ва радиотехника саноатини анча тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилади; енгил саноат билан озиқ-овқат саноати учун приборсозлик ва машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпайтирилади.

Планда автомобиль саноатини тағин ҳам тез ривожлантириш тадбирлари кўзда тутилган. Ҳисоблаш техникаси билан бошқаришнинг автоматлаштирилган ишлаб чиқаришга катта эътибор берилади.

Планда тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги ихтисослаштириш белгиланган. Бу мақсадларга беш йил мобайнида ўтган беш йилдагига қараганда тахминан тўрт баравар кўп маблағ берилади.

Планларнинг лойиҳаларида саноатнинг енгил ва озиқ-овқат тармоқларини, шунингдек маданий-маиший моллар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилган. Келгуси йилда енгил саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми Директиваларда кўзда тутилган йилига ўрта ҳисобда 6,7 процентлик суръат ўрнига 8,5 процент кўпайтирилади.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни таъминламоқ учун анча кўп капитал маблағ ажратилади. 1968 йилда енгил саноатнинг ўзига марказлаштирилган тартибда сарфланадиган давлат капитал маблағлари 25 процент, беш йиллик мобайнида эса деярлик икки баравар кўпайтирилади.

Планда транспортнинг ҳамма турларини янада ривожлантириш кузда тутилган. Транспортнинг юк оборотини 1968 йилда 5 процент, умуман беш йиллик мобайнида 34 процент кўпайтириш мўлжалланган.

Трубопровод, денгиз ва автомобиль транспорти тағин ҳам тез ривожланиши натижасида транспортнинг структураси ва унинг айрим турлари ўртасида юк ташишнинг тақсимланиши яхшиланади.

Директиваларга мувофиқ, алоқа, радио эшиттириш ва телевиденени ривожлантириш суръатларини янада ривожлантириш мўлжалланмоқда. Докладчи резервларни сафарбар этиш ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бу резервлардан фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш имконини беради. Саноатда янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳали ҳам сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда, ишлаб турган асбоб-ускуналар иш билан етарли таъмин этилмаётир, асбоб-ускуналар, шунингдек транспортдаги ҳаракат состави кўп вақт бекор туриб қолмоқда. Планда резервларни ишга солиш тадбирлари кўзда тутилган, металл, ёқилғи, ёғоч ва қурилиш материаллари, электр энергияни тежаб-тергаб ишлатиш топшириқлари белгиланган.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми ва 1966 йил май Пленуми қарорлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш учун қулаё шарт-шароитлар яратиб берди, деди Н. К. Байбаков.

Партия ва ҳукумат қарорига биноан, амалга оширилган чоралар беш йилликнинг дастлабки икки йилида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак даражада мустаҳкам ривожлантиришни таъминлаб берди. Шуни ҳисобга олиб, 1968 йилги ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларидаги планларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини янада юксалтириш кўзда тутилди.

1968 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ялпи ҳажми бу йил кутилаётганидан 7,4 процент кўпаяди. Ишлаб чиқаришни шунча миқдорда кўпайтириш колхоз ва совхозларга тасдиқланган давлат харид планларини бажаришгина эмас, шу билан бирга давлатга планга қўшимча равишда дон, гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини кўпроқ сотиш имконинини ҳам беради.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш мўлжалланмоқда. 1968 йилда қишлоқ хўжалиги 307 минг трактор, 165 минг юк автомобили, 1,8 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, 15 минг экскаватор, 11 минг бульдозер ва бошқа кўпгина машина-механизмлар олади. Минерал ўғитлар етказиб бериш йилига миллион тонна кўпаяди ва 35,2 миллион тоннага етади. Бу эса 1965 йилдагидан 30 процент ортиқдир.

Беш йилликнинг шундан кейинги йилларида техника билан минерал ўғитлар тобора кўп миқдорда етказиб берилиб турилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қурилишига 1968 йилда салкам 6,4 миллиард сўм ёки 1967 йилда бажариладиган ишларга нисбатан 18 процент кўп давлат капитал маблағи сарфланади, умуман беш йиллик ичида бу маблағлар аввалги беш йилдагига нисбатан 76 процент кўпаяди.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қарорига мувофиқ сув хўжалиги қурилишига давлат капитал маблағларининг энг катта қисмини сарфлаш мўлжалланмоқда. Сув хўжалиги қурилишидаги қурилиш монтаж ишларининг ҳажми 1968 йилда 36 процент, беш йиллик мобаинида эса 2,5 баравар кўпаяди. Совхозларнинг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга ва қишлоқ хўжалигини электрлаштиришга ҳам талайгина миқдорда маблағ сарфланади.

Мамлакатимиз экономикасининг тараққиети, деди сузини давом эттириб докладчи, кўп жиҳатдан капитал қурилишнинг катта программаси муваффақиятли бажарилишига боғлиқ. 1968 йил планида пул билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича умуман халқ хўжалигидаги капитал маблағнинг ҳажми 59,6 миллиард сўм миқдорида ёки 1967 йилда бажарилиши кўзланаётганидан 5,7 процент ортиқ қилиб белгиланди. Шундан марказлаштирилган тартибда сарфланадиган давлат капитал маблағлари 43,4 миллиард сўмни ташкил этади ёки 5,7 процент ортиқ бўлади.

Беш йиллик мобайнида халқ хўжалигига 303,2 миллиард сўм ёки аввалги беш йилликдагига қараганда 43,2 процент кўп капитал маблағ сарфланади, шу жумладан марказлаштирилган тартибда сарфланадиган давлат капитал маблағлари 225,5 миллиард сўм ёки 38,5 процент ортиқ бўлади.

Беш йиллик мобайнида капитал маблағларнинг умумий ҳажми КПСС XXIII съезди Директиваларида белгиланганидан икки процент чамаси кам бўлади. Капитал маблағлар марказлаштирилган манбалар ҳисобига камайтирилди. Шу билан бирга хўжалик ислоҳотини амалга ошириш, шунингдек колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашда натижасида марказлаштирилмаган тартибда сарфланадиган капитал маблағлар анча ортди. Беш йиллик мобаинда бундай капитал маблағлар аввалги беш йилликдагига қараганда 60 процентдан зиёд кўпаяди. Халқ хўжалик планини амалга ошириш жараенида корхоналар фонди тағин ҳам тез ўсган шароитда марказлаштирилмаган тартибда сарфланадиган капитал маблағларнинг ҳажми бу ҳисоблардан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Оғир саноатнинг энг муҳим тармоқларига, саноатнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришига бевосита алоқадор тармоқларига ва қишлоқ хўжалигига капитал маблағ беришни анча юксак суръатлар билан кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ўй-жой ва коммунал қурилиш, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва фан объектлари қурилиши кенгайтирилади.

1968 йилда марказлаштирилган тартибда сарфланадиган давлат капитал маблағлари планига мувофиқ, жами қиммати 40,8 миллиард сўмлик асосий фондларни ишга туширишни таъминлаш кўзда тутилмоқда, умуман беш йиллик мобайнида эса салкам 215 миллиард сўмлик ёки ўтган беш йилликдагидан тахминан 41 процент кўп асосий фондларни ишга туширишни мўлжалланмоқда.

Докладчи ҳамиша партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг диққат марказида турган масалалар, яъни халқ фаровонлигини ошириш масалаларига тўхталиб, қуйидагиларни маълум қилди: 1968 йилда ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 108,6 сўмга етади ва 1967 йилга нисбатан 6 процент кўпаяди, беш йиллик мобайнида эса ўртача ойлик иш ҳақи 20,5 процент ошади ва 1970 йилга борганда Директиваларга доир ҳисоб-китоблардаги 114,7 сўм ўрнига 115,2 сўмга етади. Колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан пул ва натура ҳолида оладиган даромадлари кўпаяди. Беш йиллик мобайнида бу даромадлар 38 процент ортади. Аҳолининг пенсия, нафақа ва бошқа даромадлари кўпаяди. 1968 йилда аҳоли пул даромадларининг жами миқдори 13 миллиард сўм ортади, бу эса Директиваларга доир ҳисоб-китобларидагидан анча кўпдир. Беш йиллининг кейинги йилларида ҳам пул даромадлари анча кўпайиб боради.

Аҳолининг харид қобилиятига эга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлиги сабабли давлат ва кооператив савдоси товар оборотининг ҳажми 1968 йилда бу йилгига нисбатан 7,8 процент кўпаяди.

План лойиҳасида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада анча кенгайтириш кўзда тутилган. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларининг жами ҳажми 1968 йилда 3 миллиард 160 миллион сўмликка етади ёки 1967 йилга нисбатан 20 процент кўпаяди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети яқинда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу соҳада партия билан ҳукумат қўйган катта-катта вазифаларни ҳал қилмоқ учун иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари бу масалаларга ҳамиша эътибор бериб туришлари лозим бўлади.

Меҳнатдан олинадиган даромадлар кўпайиб бориши билан бирга планларнинг лойиҳаларида ижтимоий истеъмол фондларини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Бу ижтимоий истеъмол фондлари маориф ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, жамиятнинг кекса ва меҳнатга яроқсиз аъзоларини социал таъминлашга, ёш авлодни тарбиялашда ёрдам беришга, шунингдек уй-жойлар ҳақини тўлаш соҳасидаги имтиёзларга, санаторий ва дам олиш уйларига путевкалар беришга сарф қилинади. Меҳнатдан олинадиган даромадларнинг мўлжалланаётган кўпайиши ва ижтимоий истеъмол фондларидан кўрадиган нафи ҳисобга олинганида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 1968 йилда 6,9 процент кўпаяди. 1970 йилда бу даромадлар даражаси Директиваларда белгиланганидан юқори бўлади.

План лойиҳасида уй-жой қурилишини янада кенгайтириш мўлжалланган. 1968 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига жами еаҳни қарийб 95 миллион квадрат метр келадиган уй-жой қуриш кўзда тутилади. Бу эса 1967 йилда ишга туширилган уй-жойларнинг жами ҳажмидан 13 процент ортиқ бўлади.

Н. К. Байбаков иттифоқдош республикалар хўжаликларини ривожлантиришга ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга батафсил тўхталиб ўтди. Белгиланган топшириқлар, деб таъкидлади у, иттифоқдош республикалар халқ хўжалигини янада кенг миқёсда ихтисослаштириш ва улар ўртасида меҳнат тақсимотини такомиллаштиришни таъминлайди.

Сўнгра докладчи иттифоқдош республикалар халқ хўжалиги қандай ривожлантирилишига доир энг муҳим баъзи маълумотларни айтиб берди. Жумладан, у бундай деди:

Ўрта Осиё республикаларида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми қуйидагича кўпаяди: Ўзбекистон ССРда 7,4 процент, Қирғизистон ССРда 8,7 процент, Тожикистон ССРда 8,6 процент ва

СССРНИНГ 1968 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА СССРНИНГ 1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

СССР Молия министри В. Ф. ГАРБУЗОВ доклади

СССР Министрлар Совети, деди В. Ф Гарбузов, СССРнинг 1968 йилги давлат бюджетини СССР Олий Советининг муҳокамасига ва тасдиғига тақдим қилаётир. СССР Олий Советининг сессияси Совет халқи, Коммунистик партия ва бутун илғор инсоният замонамизнинг энг катта воқеасини, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирланаётган кунларда ўтмоқда.

Совет кишилари босиб ўтилган йўлга ифтихор билан назар солиб, ўз байрамлари сари бормоқдалар, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини ва энг муҳим проблемаларини келажакка дадил қадам ишчанлик билан ҳал қилмоқдалар.

Ўтган ярим аср мобайнида, деб давом қилди докладчи, халқимиз Ленин партиясининг раҳбарлигида жуда зўр социал иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди. Ғалабаларимиз ва муваффақиятларимиз чўққисидан қараганимизда Улуғ Октябрь туфайли вужудга келган ижтимоий тузумнинг афзалликлари, социализмнинг тарихий прогрессивлиги, унинг капитализмга нисбатан шак-шубҳасиз устунлиги айниқса яққол ва ёрқин кўриниб турибди. Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги обрўйи беқиёс ўсди.

В. Ф. Гарбузов уқтириб айтдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати КПСС XXIII съездининг қарорларига амал қилиб, мамлакатнинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларини коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини янада оширишга йўлламоқдалар.

Совет халқи шонли юбилейни муносиб кутиб олмоқда. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги туфайли меҳнаткашлар оммасида вужудга келган ғайрат ва ижодкорлик ҳақиқатдан ҳам мисли кўрилмаган умумхалқ социалистик мусобақаси га айланиб кетди. Саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш, транспорт, фан ва маданият ходимлари, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан тўла ва ошириб бажармоқдалар.

Мамлакатнинг миллий даромади беш йилликнинг икки йили мобайнида 14 процентдан зиёдроқ, яъни бундан олдинги беш йилликнинг ҳар йилги ўртача суръатларига нисбатан анча тезроқ суръатлар билан кўпайди. Саноат маҳсулоти чиқариш бу йил камида 10 процент ошади, кейинги икки йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми қарийб 20 процент кўпаяди, бу эса шу йилларга мўлжалланган ўсиш планлари 4 процент ошиқ бажарилганлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги юксалиш йўлидан дадил бормоқда. КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорларининг самарали таъсири тобора сезиларли равишда ая бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти беш йилликнинг икки йили мобайнида 9 процент чамаси ошади.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги кўпаймоқда, олинаётган фойда ошиб бормоқда. Халқ хўжалигида фойда олиш плани бу йил ошиғи билан бажарилади.

Экономика ва миллий даромад ўсиб бораётганлиги халкнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш учун мустаҳкам негиз яратиб бермоқда. Сўнгги вақтларда айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленумидан кейин шу соҳада катта натижалар қўлга киритилди. Меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш борасида партия XXIII съезди белгилаб берган программа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Халк фаровонлигини ва совет кишиларининг маданиятини ўстириш юзасидан беш йилликнинг икки йили учун белгиланган топшириқ ошириб бажарилмоқда. Шу даврлар ичида аҳолининг пул даромадлари 18 процент чамаси, яъни планда кўзда тутилганидан тезроқ ўсиб боради. Ижтимоий истеъмол фондлари тез кўпайиб бормоқда. Бу фондлар икки йил ичида 16 процентдан зиёдроқ кўпаяди ва 1967 йилда 49 миллиард сўмга етади.

Марказий Комитет 1967 йил сентябрь Пленумининг «Совет халқи фаровонлигини янада ошириш чоралари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан қабул килган қарорлари халқ фаровонлиги тўғрисида партия тинимсиз ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи янги ёркин далил бўлди. Пленум қарорлари жуда катта сиёсий ва социал-иктисодий аҳамиятга эга хужжатдир. Пленум белгилаб берган тадбирлар партиянинг меҳнаткашлар турмушини муттасил яхшилаб боришга қаратилган ленинча бош йўли изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижаси бўлди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини зўр хурсандлик билан қабул қилдилар, партия ва хукуматнинг ғамхўрлигига жавобан меҳнатда янги шижоатлар кўрсатишга интилмоқдалар.

ВЦСПС ва жойлардаги касаба союз органлари бошқараётган давлат социал страхованиесининг бюджети ўсиб бормоқда. Бу бюджет бу йил 12,6 миллиард сўмга етади ва беш йилликнинг икки йили мобайнида 19.5 процент кўпаяди. Пенсиялар ва вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалар тўлашга, санаторийлар ва дам олиш уйларига бориш учун бериладиган текин ва имтиёзли йўлланмаларга ҳам давлат тобора кўп маблағ сарфламоқда. Санаторийлар ва дам олиш уйларида икки йилнинг ўзидагина 18 миллион киши дам олди ва даволанди, 15 миллиондан кўпроқ бола мактаб каникулларини пионер лагерларида ўтказди.

Товарларни аҳолига сотиш кўпайиб бормоқда, чакана товар оборот плани ошириб бажарилмоқда. Товар оборотининг ҳажми бу йил 8.7 процент кўпаяди, беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида эса 18 процент чамаси кўпаяди. Халқ истемоли товарларининг сифатини яхшилаш борасида катта ишлар қилинмоқда, бу молларнинг хиллари тобора кўпайтирилмоқда.

Совет кишиларининг уй-жой ва турмуш шароити муттасил яхшиланмоқда. Шу юбилей йилининг ўзидагина 11 миллиондан кўпроқ киши янги жойларга кўчиб ўтади.

Аҳолининг даромадлари ўсаётганлиги билан бирга омонат кассаларга қўйилаётган пуллар ҳам кўпаймоқда. Аҳолининг омонат кассаларида сакланаётган пули кейинги икки йил ичида 8 миллиард сўмдан кўпроқ кўпаяди.

Ҳозирги вактда ишчи ва хизматчиларнинг икки кун дам олинадиган беш кунлик иш хафтасига ўтказилаётганлиги совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга.

Социалистик экономика ва миллий даромад тез суръатлар билан ўсаётганлиги СССРнинг халқ хўжалик планини ва давлат бюджетини муваффакиятли бажаришга ёрдам бермоқда. 1967 йилда бюджет даромадлар бўйича 115.5 миллиард сўм миқдорида, ёки аниқланган планга нисбатан 101.4 процент ва харажатлар бўйича 114.5 миллиард сўм миқдорида, ёки 100.9 процент бажарилади. Харажатларга нисбатан даромадлар бир миллиард сўм ошиқ бўлади.

Беш йиллик икки йилининг якунлари вужудга келтираётган катъий ишонч шундан иборатки, халк хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди берган директиваларда кўзда тутилган топшириклар тўла бажарилибгина қолмасдан шу билан бирга ошириб бажарилади.

Министр айтдики, 1968 йилги давлат бюджети лойиҳаси беш йилликнинг галдаги, учинчи йилига мўлжалланган халк хўжалик планига тўла мувофик равишда тузилди. Бюджет социалистик экономикани янада ривожлантириш, мамлакатнинг мудофаа кобилиятини мустаҳкамлаш, халк фаровонлигини ошириш борасида партия XXIII съезди кўйган вазифаларни амалга оширишни зарур маблағлар билан таъминлаб тўради.

1968 йилги давлат бюджети даромадлар бўйича 123.8 миллиард сўмлик, харажатлар бўйича 123.5 миллиард сўмлик килиб тақдим этилди. Ушбу йилдагига нисбатан бюджет даромадлари 8.3 миллиард сўм, харажатлар эса 9.0 миллиард сўм кўпайтирилди. Харажатларга нисбатан даромадлар 308 миллион сўм ортик килиб белгиланди.

Ишчи ва хизматчилар олаётган иш ҳақининг энг кам миқдори 1968 йилдан бошлаб кўпайтирилиб, ойига 60 сўмга етказилади. Ўртача ҳақ олаётган ходимлар дан баъзи категорияларининг ставкалари ва окладлари кўпайтирилади. Узоқ Шарқдаги ва Европа Шимолидаги халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ишлаб турган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, шунингдек станокчи ишчиларнинг тариф ставкалари оширилади; Узоқ Шимол районларида ишлаб турган кишилар учун имтиёзлар кенгайтирилади; ишчи ва хизматчилардан анчагина қисми учун отпускалар миқдори кўпайтирилади; ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинаётган солиқларни янада камайтириш ва бекор қилиш давом эттирилади, 61 сўмдан 80 сўмгача бўлган ойлик иш ҳақидан олинадиган солиқ ставкалари ўрта ҳисобда 25 процент камайтирилади, ишчи ва хизматчиларга вақтича меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун бериладиган нафақаларнинг миқдори оширилди. Аҳолининг пенсия таъминотини яхшилашга доир катта чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Мана шу катта тадбирларни амалга оширишга 1968 йилда давлат бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Шуларнинг ҳаммаси ўн миллионлаб совет кишиларининг реал даромадларини янада анча оширишни таъминлайди.

Социалистик хўжаликдан бюджетга келадиган тушумларнинг жамики миқдори 112,7 миллиард сўмни ёки бюджетдаги ҳамма даромадларнинг 91 процентини ташкил қилади. Бу даромаднинг айрим турлари қуйидаги миқдорда белгиланади:

	Миллиард сўм ҳисобида	
	1967 йил (кутилаётган ижро)	1968 йил (план)
Олинган фойдадан ажратмалар, ишлаб чиқариш фондлари учун тўловлар, қайд килиб қўйилган тўловлар ва фойданинг эркин қолдиридан иборат взнослар	39.6	43.8
Оборотдан олинадиган солиқ	40,9	42.2
Давлат корхоналари ва ташкилотларининг социал страхование учун берган взнослари, колхозлардан олинадиган даромад солиғи ва бошқа даромадлар	25,0	26,7

Хўжаликларнинг пул жамғармаларида ва бюджет даромадларида фойда энг кўп ортиб боради. Келгуси йилда олинадиган жамики фойда 57,9 миллиард сўмни ташкил қилади, яъни бу йилги олинган фойдага нисбатан 20 процент кўпаяди. Хўжаликни бошқаришнинг янги шароитида олинаётган фойданинг ўсиб боришига корхоналарнинг ўз фаолиятларининг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларини яхшилашдан манфаатдорликлари оширилганлиги ёрдам бераверади.

Фойдадан олинадиган тўловлар составида ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган тўлов 4.6 миллиард сўм, қайд қилиб қўйилган тўловлар 0,6 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилди. Келгуси йилда ислоҳотни жорий қилиш давом эттирила борган сари бу тўловлар ҳам кўпая беради.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлашга сарфланаётган маблағларнинг жамики миқдори 6,3 процент кўпайиб, 96,2 миллиард сўмга етади. Шундан 50,1 миллиард сўм бюджетдан ажратиб берилади, қолгани эса корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағларидан сарфланади. Корхоналарнинг хўжаликни ривожлантиришга қиладиган сарфлари 12 процент кўпаяди, яъни шу мақсад учун бюджетдан ажратилган маблағларга нисбатан кўпроқ маблағни ташкил этади.

1968 йилда халқ маорифини янада яхшилаш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, социал страхованиени ва социал таъминотни кенгайтириш кўзда тутилади. Бу тадбирларга бюджетдан 45,7 миллиард сўм, ёки бу йилдагига нисбатан 2,3 миллиард сўм кўп ажратилади.

Илмий тадқиқотларга катта маблағлар ажратилади. Фан учун бюджетдан қилинадиган сарфлар ва корхоналарнинг ўз ресурслари 7,9 миллиард сўмни ташкил қилади, ёки бу йилдагига нисбатан 10,8 процент кўпроқ бўлади.

Ҳукуматлар ўртасида тузилган битимларга мувофиқ социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтирмоқ ва шу битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармоқ, шунингдек ривожланаётган мамлакатларнинг мустақил миллий экономикасини мустаҳкамлашда иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатмоқ учун бюджетдан зарур маблағлар ажратиш кўзда тутилди.

Сўнгра докладчи саноатни пул билан таъминлаш масалаларига тўхталди.

Саноатни пул билан таъминлашга келгуси йилда 51,8 миллиард сўм, жумладан бюджет ҳисобидан 23.9 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланмоқда.

Оғир индустриянинг халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи энергетика, машинасозлик, металлургия, кимё саноати, электроника сингари тармоқларига янада кўп маблағ сарфланади. Мана шу етакчи тармоқларни пул билан таъминлашга 22 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилади, бу эса саноатга сарфланадиган жамики маблағнинг қарийб 42 процентини ташкил қилади.

Оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш партиямизнинг бош йўлидир, бутун халқ хўжалигини юксалтириш негизларининг негизидир. Бу тармоқни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва шу тарқа истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини анча оширишга имкон беради 1968 йилда бутун саноат маҳсулоти 1967 йилдагига нисбатан 8,1 процент ўсгани ҳолда, истеъмол моллари ишлаб чиқараётган тармоқларнинг маҳсулоти 8,6 процент кўпайиши лозим.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 1968 йилда мўлжаллангандек қилиб кенгайтирмоқ учун енгил саноатни ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга 8.1 миллиард сўм, ёки 1967 йилга қараганда 12,4 процент кўп маблағ ажратилади. Оғир саноат корхоналари ходимларини истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кўпайтиришдан рағбатлантириш борасида ўтказилган тадбирлар ҳам аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам беради.

Маҳаллий саноат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари меҳнаткашларнинг хилма-хил молларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ва уларга маиший хизмат кўрсатишда катта ўрин олиб турибди. Маҳаллий саноат ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини қуришга ва кенгайтиришга келгуси йилда 670 миллион сўм, яъни бу йилдагига нисбатан 26 процент кўп пул сарфланади.

Кейинги вақтларда партия ва ҳукумат мана шу тармоқларни янада ривожлантириш борасида бир қанча чоралар кўрадилар Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлар ва меҳнаткашлар депутатлари Советлари маҳаллий саноатни ривожлантириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш тўғрисида кўпроқ ташаббус кўрсатишлари ва ғамхўрлик қилишлари, хом-ашё ва материалларнинг маҳаллий ресурсларидан ишлаб чиқаришда тўлиқроқ фойдаланишлари лозим.

Корхоналар олаётган фойда уларнинг хўжалик-молия фаолиятида тобора катгароқ аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. 1968 йилда саноат министрликлари ва идоралари олаётган фойдаси 20 процент кўпайиб, 36.9 миллиард сўмга етади.

Иқтисодий ислоҳотни жорий қила бориш келгуси йилда саноатнинг натижаларига тобора кўпроқ ижобий таъсир ўтказа беради. 1968 йилда саноатда иқтисодий ислоҳот асосан тугалланади.

Олинаётган фойда ҳисобидан вужудга келтирилаётган иқтисодий рағбатлантириш фондлари 1968 йилда анча кўпаяди. Шу фондларнинг умумий миқдори 3,5 миллиард сўмга етади ва бу йилдагига қараганда 1,6 баравар кўпаяди.

Докладчи уқтириб айтдики, саноатни янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун ҳар бир корхонада, ҳар бир тармоқда ишлаб чиқариш ва жамғармаларни кўпайтириш резервларини активроқ қидириб топиб, шу резервлардан тўлароқ фойдаланиш зарур. Докладчи айтдики, асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ошириш фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш саноатимизнинг асосий резервидир. 1968 йилги халқ хўжалик планида халқ хўжалигини энг янги техника ва ускуналар билан таъминлашни янада давом эттириш кўзда тутилди, ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш борасида конкрет топшириқлар белгилаб берилди. Келгуси йилда халқ хўжалиги тахминан 15 миллиард сўмлик янги ускуналар олади.

Янгидан ишга туширилаётган ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштириш хўжалик қурилишининг катта масаласидир. Бу соҳада жиддий муваффақиятларга эришган корхоналар саноатда оз эмас. Шу билан бирга кўпинча янги ишлаб чиқариш қувватлари секин ўзлаштирилмоқда ва лойиҳада белгиланган нормаларга анча вақтгача етказилмаётир.

В. Ф. Гарбузов эслатиб айтдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати саноат ходимларини ўз тасарруфларидаги моддий ва молия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга, кўмир, цемент, нефтнинг ҳар бир килограммини, халқ маблағининг ҳар бир сўмини жой-жойига қўйиб ишлатишга даъват қилмоқдалар.

1968 йилда, деди докладчи, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ўз оборот маблағлари 4,2 миллиард сўм миқдорида кўпайиши лозим. Бунинг 1,3 миллиард сўми бюджет ҳисобидан берилади.

Меҳнат унумдорлигини систематик равишда ошириб бориш, деб давом қилди В. Ф. Гарбузов, ишлаб чиқаришни ва социалистик жамғармаларни ўстирмоқ учун катта имкониятлар беради. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги беш йилликнинг дастлабки икки йили давомида қарийб 13 процент кўпаяди, бу эса планда берилган топшириқлардан ошиқроқ бўлади. Бу ўсиш давлатнинг моддий ва молиявий ресурсларини анча кўпайтиришга имкон беради. 1968 йилда саноатда меҳнат унумдорлигини 6 процент ошириш мўлжалланади. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг ўзи саноат маҳсулотини ўстиришнинг 70 процентдан кўпроқ қисмини таъминлаши лозим.

Транспорт ва алоқанинг ҳамма тармоқларини янада ривожлантирмоқ учун 1968 йил бюджетида катта маблағлар ажратиш кўзда тутилади. Шу тармоқларга ҳаммаси бўлиб 9.2 миллиард сўм сарфланади. Бу эса транспорт ва алоқани энг янги техника билан таъминлаш даражасини оширишга, бу тармоқларнинг ишлаш имкониятини оширишга ёрдам беради.

Докладчи қишлоқ хўжалигини пул билан таъминлаш тўғрисида гапириб айтдики, КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорлари ижиллик билан амалга оширилаётганлиги яхши натижалар бермоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг техника билан таъминланганлиги ошди, колхозлар ва совхозлар экономикаси бақувват бўлиб қолди техникадан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш яхшиланди, меҳнат қилишдан моддий манфаатдорлик кучайди.

Халқ хўжалик планига мувофиқ 1968 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 16,4 миллиард сўм шу жумладан бюджетдан 9.0 миллиард сўм сарфланади. Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган маблағ 1967 йилдагига нисбатан 7.6 процент кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган давлат капитал маблағларининг умумий ҳажмини 6,4 миллиард сўмга етказиш ёки бу йилгига қараганда 18 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Колхозлар ўз маблағлари ва узоқ муддатли кредит ҳисобидан капитал қурилишларга 6 миллиард сўм чамаси маблағ сарфлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қарорларига биноан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш программасини амалга оширишга 1968 йилда давлат томонидан 1,7 миллиард сўм ёки бу йилдагига қараганда 432 миллион сўм кўп маблағ сарфланади. Ерларни тўбдан яхшилашга бериладиган маблағ анча кўпайтирилади. Бу тадбирларни пул билан таъминлашмоқ учун бюджетдан 600 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Совхозлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта маблағлар сарфланади. Бу ишга бюджетдан ва совхозларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 7,5 миллиард сўм ажратилади. Совхозлар фаолиятининг ишлаб чиқариш ва молия кўрсаткичларини анча яхшилаш кўзда тутилади.

Маҳсулот таннархини камайтириш борасида мўлжалланган планни ҳисобга олганимизда, совхозлар ва бошқа даавлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 1968 йилда оладиган фойдаси 2,5 миллиард сўмни ташкил қилади.

КПСС XXIII съездининг совхозларни тўла хўжалик ҳисобига аста-секин ўтказиш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтирмоқ учун катта иқтисодий аҳамиятга эга. Ҳукумат мамлакатнинг ҳамма совхозларида тўла хўжалик ҳисобини жорий қилмоқ учун совхозларнинг янги шароитдаги иш тажрибасини ўрганишни ва умумлаштиришни СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Госпланига, СССР Молия министрлигига, СССР Давлат банкига, СССР Марказий статистика бошқармасига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига топширди.

1968 йилда қишлоқ хўжалигига тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар, минерал ўғитлар ва ишлаб чиқариш учун керакли бошқа молларни етказиб бериш анча кўпайтирилади.

Колхозларнинг асосий ва оборот фондларига давлат банки томонидан берилаётган кредитлар миқдори кейинги йилларда кўпайди. 1968 йилда колхозлар 1.750 миллион сўмлик ёки бу йилгига қараганда 9,4 процент кўп узоқ муддатли кредит оладилар.

В. Ф. Гарбузов уқтириб айтдики, КПСС XXIII съездининг Директиваларига мувофиқ мамлакатимизда капитал қурилишнинг жуда катта программаси амалга оширилмоқда. Бу эса халқ хўжалик тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватларини систематик равишда ошира боришга, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга, уй-жой фондини кўпайтирабериш га имкон беради. Кейинги вақтларда партия ва ҳукумат капитал қурилишни планлаштиришни ва ташкил этишни яхшилашга доир бир қанча чора-тадбирларни ўтказдилар.

Халқ хўжалик планига мувофик 1968 йилда капитал қурилишни пул билан таъминлашга, қурилишнинг оборот маблағларини хам кўшиб хисоблаганда 43,6 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 23,1 миллиард сўм маблағ ажратилади. СССР қурилиш банкининг ва СССР давлат банкининг кредитлари ҳисобидан хам катта маблағлар берилади. Марказлашган капитал қурилишларни пул билан таъминлаш борасида мўлжалланган ҳажм 40.8 миллиард сўмлик асосий фондларни ишга солишга имконият беради.

Ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни тезлаштириш ва капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш максадида хукумат ишга туширилган объектларга капитал маблағларни биринчи галда сарфлаш ва чала қолган қурилишларни кескин равишда камайтириш вазифасини СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига юклади.

Уй-жой бинолари қуриш кенг миқёсда давом эттирилади. Пул билан таъминловчи ҳамма манбалари ҳисобидан келгуси йилда жамики сахни 95 миллион квадрат метрга якин уй-жой бинолари қуриш мўлжаллаб кўйилди. Уй-жой қуриш кооперациясининг давлат кредити ёрдами билан қурадиган иморатлари анча кўпайтирилади. Келгуси йилда кооперативларнинг иморатлар қуришига бу йилдагига қараганда қарийб 25 процент кўп миқдорда кредит берилади. Давлат плани билан қуриладиган уй-жой қурилишига 1968 йилда 5,9 миллиард сўм сарфланади.

1968 йилги халк хўжалик плани ва бюджетида қурилиш ташкилотларининг оладиган фойдаси 2,2 миллиард сўмлик қилиб белгиланди.

Қурилишни планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказиш, деб давом қилди В. Ф. Гарбузов, қурилиш қимматини пасайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан сметаларда кўрсатиладиган нархларни тартибга солиш, қурилиш ишлаб чиқаришининг рентабеллигини зарур даражага кўтариш жуда хам муҳимдир. Ҳукумат 1969 йил 1 январдан бошлаб қурилишда янги смета нормалари ва нархларига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Халқ фаровонлигини тўхтовсиз ошириш, унинг ҳаётий манфаатлари тўғрисида партия ва ҳукумат қилаётган ғамхўрлик, деб давом қилди министр, савдо ва умумий овқатланиш ривожланиб бораётганлигида яккол кўриниб турибди. Бу йил партия ва ҳукумат савдони ва умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилашга доир бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди.

Чакана товар оборотининг ҳажми 9 миллиард сўмдан ҳам кўпайиб, 1968 йилда 131 миллиард сўмга етади. Газламалар, тикилган буюмлар, пойафзал ва бошқа моллар хилини кўпайтириш ва янгилаш кўзда тутилди.

Давлат савдосини пул билан таъминламоқ учун бюджетдан ва савдо ташкилотларининг ўз маблағларидан 1,4 миллиард сўм, ёки бу йилгига қараганда қарийб 27 процент кўп пул берилади.

Аҳолининг пул даромадлари тез ўсиб бораётган, унинг тўлов қобилияти ошиб бораётган шароитда савдо ташкилотлари олдига тағин ҳам юксак талаблар қўйилмоқда. Аммо савдо ташкилотларининг ишида камчиликлар хали ҳам оз эмас. Улар мавжуд камчиликларни йўқотиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш учун бутун куч ва ғайратларини сарфлашлари лозим.

Совет давлати, деб давом қилди докладчи, аҳолига социал маданий хизмат кўрсатишга йил сайин жуда кўп моддий ва молиявий ресурсларни сарфламоқда. Шу мақсад учун 1968 йилда бюджетдан бериладиган маблағлар 45.7 миллиард сўмни ташкил этади ва 5,3 процент кўпаяди. Айни вактда корхоналарнинг ўзлари меҳнаткашларга социал-маданий хизмат кўрсатишга ўзлари вужудга келтираётган фондлар хисобидан қилаётган сарфлари хам кўпаяди.

Социал-маданий тадбирларга бюджетда мўлжалланган харажатларнинг айрим турлари қуйидагича бўлади:

	(Миллиард сўм) 1967 йил (кутилаётган ижро)	1968 йил (план)
Халқ маорифи, фан, маданият	19.9	21.0
Соғлиқни сақлаш ва физкультура	7.4	7.6
Давлат социал страхованиеси ва социал таъминот	16.1	17.1

Ҳар бир иттифоқдош республиканинг 1968 йилги бюджетларининг лойиҳалари қуйидагича қилиб белгиланди:

	миллион сўм
РСФСР	28.675
Украина ССР	10.274
Белоруссия ССР	2.207
Ўзбекистон ССР	2.340
Қозоғистон ССР	4.234
Грузия ССР	1.016
Озарбайжон ССР	1.102
Литва ССР	1.020
Молдавия ССР	625
Латвия ССР	690
Қирғизистон ССР	640
Тожикистон ССР	580
Арманистон ССР	683
Туркманистон ССР	544
Эстония ССР	473

Иттифоқдош республика лар бюджетлари даромадларининг асосий қисми социалистик корхоналар ва хўжалик ташкилотларидан фойдадан олинадиган ажратмалар тарзида келадиган тушумлар, ишлаб чиқариш асосий фондлари ва оборот маблағлари учун олинадиган, тўловлар, оборот солиги ва бошқа тўловлар ҳисобидан тариқ топади.

Иттифоқдош республикалар халқ хўжалигини ривожлантиришга 44,7 миллиард сўм, шу жумладан бюджет ҳисобидан 22,5 миллиард сўм сарфланади.

Социал-маданий тадбирларга иттифоқдош республикаларнинг бюджетларидан 30,5 миллиард сўм ёки бу йилгига қараганда 1,2 миллиард сўм кўп маблағ ажратилади. Бу эса маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари шохобчаларини тағин ҳам кўпроқ кенгайтиришга, уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишга ёрдам беради.

Халқ хўжалик планида кўзда тутилган тадбирларни тўла равишда амалга оширмоқ учун иттифоқдош республикаларнинг ўзлари олаётган даромадларга ва умумиттифоқ даромадларидан оладиган ажратмаларига қўшимча қилиб, иттифоқ бюджетидан: Ўзбекистон ССРга 186 миллион сўм, Қозоғистон ССРга 920 миллион сўм, Тожикистон ССРга 29 миллион сўм ва Туркманистон ССРга 58 миллион сўм берилади.

В. Ф. Гарбузов сессияда шуни ҳам айтиб ўтдики, 1968 йилги бюджет лойиҳаси билан бир вақтда ҳукумат 1966 йилги СССР давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этди. Бу бюджет даромадлар бўйича 106,3 миллиард сўм миқдорида, ёки юз процент ва харажатлар бўйича 105.6 миллиард сўм миқдорида ёки 99,6 процент бажарилди. Харажатларга нисбатан даромадлар 720 миллион сўм ошиқ бўлди. Даромадлар ва харажатларнинг айрим турларига доир батафсил маълумотлар депутатларга тарқатилган ҳисоботда келтирилган.

Пировардида СССР молия министри бундай деди:

Халқимиз ўзининг қаҳрамонона бунёдкорликлари билан коммунизм идеяларига ўзининг чексиз содиқлигини кўрсатди. Куч ва ғайратга тўлиб-тошган, шонли Ленин партияси раҳбарлик қилиб турган совет кишилари социалистик экономикани ва маданиятни ривожлантиришда, ўз Ватанининг қудратини мустаҳкамлашда янги ажойиб ғалабаларга эришадилар. Юбилей йилида қўлга киритилган жуда катта муваффақиялар мустаҳкамланиб, янада кўпайтирилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Беш йиллик учинчи, ҳал қилувчи йилининг халқ хўжалик планини ва бюджетини муваффақиятли бажариш мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишига қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ
11 ОКТЯБРЬ, 1967 Й.

Реклама ва эълонлар

РАДИОДАН ЭШИТИНГ

11 ОКТЯБРДА
Чоршанба

ВАТАНИМИЗ РАДИОПАНОРАМАСИ
ЛАТВИЯ ССР КУНИ

БИРИНЧИ

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (Ўзбекча).
18.10 Вокал ансамбларининг концерти.
18.40 **«Халқ куйлари гулчамбари».** Латвия радиосининг концерти.
19.00 Қозоқ куйлари.
20.00 «СОВЕТ ЛАТВИЯСИ» деган эшиттириш (Ўзбекча).
20.45 **«Латвия химиклари — юбилейга»** деган эшиттириш (Ўзбекча).
21.00 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.35 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (Ўзбекча).
21.40 **«Улуғ Октябрь хроникаси»** (Ўзбекча).
21.50 Москва. Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот».
22.15 **Пахта терими мусобақаси илғорлари учун концерт.**
22.40 ПОЭЗИЯ КЕЧАСИ. **Пўлат Мўмин шеърлари** (Ўзбекча).
23.20 **Ўзбек халқ куйлари кечаси.**

ИККИНЧИ

19.00 **Қардош халқлар адабиёти. Латвия ёзувчиларининг ҳикоялари** (Ўзбекча).
19.30 **«Хайрли кеч»** деган концерт.
20.10 «ОЛТИН ВОДИЙ ҚЎШИҚЛАРИ». Радиокомпозиция (Ўзбекча).
20.50 «Дўстлик масофани билмайди». Латвия радиосининг эшиттириши (русча).
21.00 **Аминов ва Муллажоновалар ижросида концерт** (тожикча).
21.30 Корейс куйлари.

12 ОКТЯБРДА
Пайшанба

БИРИНЧИ

8.25 **Кинофильмлардан қўшиқлар.**
9.30 **Республикада хизмат кўрсатган артист Ориф Алимахсумов ижросида қўшиқлар.**
10.10 «Дак-дакс» вокал квартетининг концерти.
10.30 СССР халқларининг енгил куйлари.
11.15 **«Мажбурият фидокорона меҳнат билан адо этилмоқда»** деган репортаж (Ўзбекча).
11.25 **Ўзбек операларидан парчалар.**
12.15 Оркестр куйлари.
12.50 **«Тараққиёт йўлидан».** Қозоғистон радиосининг эшиттириши (Ўзбекча).
13.40 Классик куй шинавандалари учун концерт.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (Ўзбекча).
18.10 Балакирев. Фортепьяно ва оркестр учун концерт.
18.40 Симфоник рақслар.
19.20 Татар куйлари.
20.00 «Октябрь» радиостанциясининг программаси (русча).
20.30 **«Янги Тошкентни қураётганлар, сизлар учун»** деган концерт.
21.00 **«Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан»** (Ўзбекча).
21.10 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.50 Москва. Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот».
22.15 КОНЦЕРТ.
22.40 **«Янги рубонйлар».** Р. Бобожон тўртликлари асосида радиокомпозиция (русча).
23.20 **Дам олиш кечаси.**

ИККИНЧИ

7.15 Қардош республикалардан келган қурувчилар учун концерт.
8.25 СССР халқларининг куйлари.
13.10 «Тошкент бунёдкорлари, сизлар учун» деган эшиттириш (русча).
19.00 **Ёшлар ижоди** (Ўзбекча).
19.30 И. Бах. «Кантата».
20.10 **Ўзбекистон халқ ҳофизларининг концерти.**
20.50 «Техника прогрессини жорий қилиш учун». Республика илмий-техника информацияси институтининг директори Н. Усмонов суҳбати (русча).
21.00 Композитор Ф. Шаҳобов асарларидан концерт (тожикча).
21.30 Эстрада оркестри концерти.

УЧИНЧИ

14.00 «Олтин калитча» радиокомпозицияси.
16.00 **Театр микрофон олдида.** Ҳамза номли театрнинг «АССАЛОМ ЮЛДУЗЛАР» спектаклининг монтажи (Ўзбекча).

ТЕЛЕВИЗОРДАН ТОМОША ҚИЛИНГ

11 ОКТЯБРДА
Чоршанба

БИРИНЧИ

Ўзбек тилида:
18.00 Телеянгиликлар (рус тилида).
18.10 **Ўқувчилар учун. «Ажойиботлар оламига саёҳат».**
18.45 **«Октябрь менинг тақдиримда».** Телеочерк.
18.55 **Шу кунинг музикантлари.** Ҳалимжон Жўраев.
19.40 Телеянгиликлар.
19.55 Халқ контроли—амалда (рус тилида).
20.25 Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ
20.30 Интервидение. «Дўстлигимиз абадий».
21.00 Телеянгиликлар.
21.20 Музикали маяк.
21.30 **«Пропагандист».** Тележурнал.
22.00 Интервидение. Мария Кюри-Склодовская. Полик олими туғилган кунинг 100 йиллиги муносабати билан.
22.30 **«Тўртинчи».** Москва **«Современник» театрининг спектакли.**
00.30 Бадиий ҳаваскорлар концерти.
01.00 **Эфирда ёшлик.**
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Рус тилида:
18.00 Болалар учун. **«Жажжи қиз»** деган мультфильм.
18.20 Усмирлар учун. **«Ленин таълимотини ўрганамиз».**
18.50 **«Ҳафтасига беш марта».** Илмий-оммабоп фильм.
19.10 Телеянгиликлар.
19.20 Юбилей йилининг премьераси. **«Қирк қиз»** балети.

Ўзбек тилида:
19.55 **Ҳамза образи — тасвирий санъатда.**
20.25 **Кинофильм.**
20.45 Телеянгиликлар.
20.55 **Қардош республикалар санъат усталари.** Тамара Чебан куйлайди.
21.35 «СЎНГГИ ЗАЛП». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ

Ўзбек тилида:
18.00 Ўқувчилар учун. **«Тенгдошларинг»** деган эшиттириш.

Рус тилида:
18.20 **«Тревога берилганда».** Ҳужжатли фильм.
18.40 **Ярим аср йилномаси.** «Қаҳрамон замонамиз образи». Рассом А. Дейнека.
19.00 **М. Горький туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан.** «М. Горький». Ҳужжатли фильм.
20.00 **Совет киносининг олтин фонди.** «МАКСИМНИНГ ҚАЙТИШИ». Бадиий фильм.
21.40 Людмила Зикина куйлайди.
22.00 **Буюк ҳақиқат санъати.** Ҳужжатли фильм.

12 ОКТЯБРДА
Пайшанба

БИРИНЧИ

Рус тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телеянгиликлар.
18.20 Болалар учун. **«Ялқов ва танбал Власнинг саргузашти»** деган қўғирчоқ фильм.
18.30 **«ИККИ ЙИЛ ЖАР ЕКАСИДА».** Бадиий фильм.
20.10 Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.

Ўзбек тилида:
20.20 Телеянгиликлар.
20.40 **Новеллалар телевизион театри.** Латиф Махмудов. «ЧИНОР».
21.10 «ОКТЯБРЬ» программаси. Ҳабиб Абдуллаев.
21.40 «Сирдарё пахта далаларида». Қозоқ тилида эшиттириш.
21.55 «ХАСАН АРАВАКАШ». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ

Ўзбек тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Физикадан «Токни кетма-кет ва параллель улаш».
18.35 **Студентлар учун.** Чизма геометриядан. «Нуқта проекциялари». Кириш қисми.

МОСКВА КУРСАТАДИ
19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Ўқувчилар учун. **«Изловчилар».**
20.20 Ўқувчилар учун. «Сибирь тракти».
20.40 Қишлоқ янгиликлари. «Ленин ёзган қишлоқ ҳақида».
21.00 Телеянгиликлар.
21.20 Музикали маяк.
21.30 Оламда нима гап?
22.00 И. Шток. **«Ленинград проспекти.** Моссовет номидаги театр спектакли. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
01.00 Катта энциклопедик кутубхона.
01.20 Интервидение. Эшиттириш Рига шаҳридан олиб кўрсатилади.
01.40 «Маргарин ҳақида» реклама.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ

ОЛМАОТА КУРСАТАДИ
«Қурдастар» ижодий бирлашмаси кўрсатади
17.00 **«Октябрь нуридан баҳро олган Қозоғистон».** Республика областлари телефестивали. Целиноград телевидение студиясининг эшиттиришлари.

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ
Рус тилида:
19.30 Телеянгиликлар.
19.45 Эшиттиришлар программаси.

Қирғиз тилида:
19.50 Қурош ва яратувчиликнинг қаҳрамонлик йўли.
19.55 Телеянгиликлар.
20.10 **«Қирғизистон маданияти»** — студиямиз меҳмони.
20.55 **«Ола тоғ»нинг юбилей йили кузи.**
21.25 «ГАЗАНДА». Бадиий фильм.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ ЧИҚАРАДИГАН ГАЗЕТАЛАРГА

1968 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Ҳар кишининг ўз йўли бор»

Сценарий авторлари **Базарқул САГИМБЕКОВ, Виктор ШЕРСТЮКОВ.**

Постановкачи режиссёр — Марк Ковалёв.

«Киргизфильм» киностудияси маҳсулоти.

Шаҳримиз экранларида янги бадиий фильмни кўринг!

Узбекистон КП Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли

«ГУЛИСТОН»

ЖУРНАЛИГА

1 сентябрдан
ОБУНА БОШЛАНДИ.
ОБУНА НАРХИ:
Бир йилга 3 сўм 60 тийин.
Олти ойга 1 сўм 80 тийин.
Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади. **«Гулистон»**га обуна чекланмаган, аммо унга ҳозирдан ёзилиб қўймаган кишилар армияда қолади.

Хотин-қизларнинг ойда бир чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий — бадиий

„САОДАТ"

ЖУРНАЛИГА ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна баҳоси:
Бир йилга 2 сўм 40 тийин.
Олти ойга 1 сўм 20 тийин.
Бир сони 20 тийин.

Обуна чекланмаган—ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишни унутманг!

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 12/X да **Дон Жуан,** 13/X да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/X **да Аяжонларим,** 13/X да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 12/X да **Кимга тўй, кимга аза,** 13/X да **Концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анна Русских раҳбарлигида лилипут цирк артистларининг юбилей программаси.**

КИНО театрларда

11 ОКТЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони (1 ва 2-серия) —САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Нотр-Дам устидаги соялар — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кечқурун).

Женя, Женяхон ва «Катюша» — «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кечқурун).

12 ОКТЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Нотр-Дам устидаги соялар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «НАВОИЙ номли, «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Женя, Женяхон ва «Катюша» — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қирол қайиқчилари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ШАҲАР ВОДОПРОВОД ВА КАНАЛИЗАЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Водопровод - канализация тармоқларини қишки мавсумда фойдаланишга тайёрлашни

1 НОЯБРГАЧА ТУГАТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ёзги мавсумда фойдаланиш учун вақтинча водопровод ўтказган ҳамма ташкилотлар

1 НОЯБРГАЧА

шаҳар водопровод тармоғидан узиб қўйишлари шарт.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

инглиз, француз ва испан тиллари таълими бўйича 8 ойлик пуллик тайёрлов курсига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кирувчилар ариза, етуклик аттестати (нусхаси) **ёки мактабдан справка, фото сурат топширадилар.**

Институт ётоқхона билан таъминламайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 104-уй.

Умумиттифоқ «Мелодия» фирмасининг

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР ЗАВОДИГА

прессчи ва грампластинкаларни текшириш ҳунарига ўргатиш учун хотин ва қизлар. 2, 3 разрядли слесарлар (гидравлика прессларини созлаш ва матрица зарядкаси ҳунарига ўргатиш учун)

КЕРАК

Ўргатиш муддати— бир ойдан уч ойгача.

Шунингдек 4,5, 6 разрядли слесарлар (ремонт-монтаж ишлари учун) **газ ва электр пайвандчилари, токарлар, фрезерчилар, шлифовкачилар ва ёрдамчи ишчиларни**

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Грамплас-тинка кўчаси, 58-уй, кадрлар бўлими (4-автобуснинг «Автобаза» бекати).

Тошкент область, Калинин район, Ленин қишлоқ советидаги «Бўстон» маҳалласининг бўқолган

УЧ БУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ

бекор қилинади.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади.

Шу жумладан **ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш** (уйлар, ҳоналар, мебеллар, гуллар в. б), **штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари** йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда ҳисоб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кунидан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 1-қават.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

Тошкент шаҳар темир йўлчиларининг 7-12 ёшдаги болаларини ашула ва рақс ансамблининг ўзбек ва рус группаларида қатнашиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙНИНГ МЕДИЦИНА-САНИТАРИЯ БЎЛИМИНИНГ ЖУКОВСКИЙ КЎЧАСИ, 74-УЙГА ЖОЙЛАШГАН КЛИНИК КАСАЛХОНАСИГА

ҳамширалар, санитарка ва санитарлар, хўжалик ҳамширалари, қоровуллар, ёрдамчи ишчилар, ошпазлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жуковский кўчаси, 74-уй.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИГА

сувоқчилар, монтировкачилар, декарациячилар ва уборщицалар

КЕРАК

Театрнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф киладики

ЭЛЕКТР УЧУН

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб тегишли пулни Давлат банкининг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вакт учун ҚАРЗЛАРИ БЎЛГАН

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вактида тўланмаса электр оғоҳ қилинмасдан узиб қўйилади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—ВЗ.02-49 дан ВЗ.02-58 гача, редактор ўринбосарлари—ВЗ-29-33, ВЗ.29-09; масъул секретарлар — ВЗ_27_22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — ВЗ-29_42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — ВЗ-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—ВЗ-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—ВЗ-29_70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — ВЗ-27-57; ахборот бўлими—ВЗ-65-57; эълонлар бўлими—ВЗ-81_42.

11 ОКТЯБРЬ, 1967 ЙИЛ. Р. 06805. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3031.